

“Smart bank” АЖ  
Кузатув кенгашининг  
2024 йил “30 ” июн даги  
30-06/1 - сонли йиғилиш баённомаси  
билин тасдиқланган

“Smart bank” АЖ  
Бошқарувининг  
2024 йил “19 ” июн даги  
19-06/1 - сонли йиғилиш қарорига  
3-илова

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi
	Ro'yxat raqami: <u>I-49</u>
	Sana: "31" <u>июн</u> <u>2024</u> yil
	Imzo: <u>Муродов</u>

“SMART BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамиятининг инвестиция сиёсати (кейинги ўринларда Сиёсат деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва амалдаги бошқа қонунчилик хужжатлари ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Сиёсат “Smart bank” акциядорлик жамияти (кейинги матнларда Банк деб юритилади)нинг инвестицион фаолиятининг мақсадлари ва асосий йўналишларини белгилайди ҳамда маблағларни бошқа корхоналар устав капиталига, қимматли қофозларига ва кўчмас мулкига инвестиция инвестиция қилиш йўналишлар ва умумий қоидаларини белгилашга қаратилган.

2. Сиёсатда қўйидаги атамалар ва тушунчалар кўлланилади:

**коэффициентлар таҳлили** – турли молиявий ҳисботлар моддаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда уларнинг турли моддалари ўзаро муносабатларини ўрганишdir;

**инвестициялар** - инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари обьектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган хуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк обьектларига бўлган хуқуқлар, шунингдек реинвестициялар;

**инвестор** - фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти обьектларига ўзининг маблағларини ва (ёки) қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

**инвестиция мажбурияти** - белгиланган мақсадларга эришиш учун инвестор томонидан қабул қилинадиган мажбурият;

**инвестиция фаолияти** - инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи;

**инвестиция фаолияти иштирокчиси** - инвестицияларнинг амалга оширилишини буюртмаларни бажарувчи сифатида ёки инвесторнинг топшириғи асосида таъминлайдиган инвестиция фаолияти субъекти;

**реинвестициялар** - инвестициялардан олинган, тадбиркорлик фаолияти ва бошқа фаолият турлари обьектларига киритиладиган ҳар қандай даромад, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақлари, техник ёрдам, техник хизматлар учун тўловлар ва ҳақларнинг бошқа турлари.

### 2-боб. Сиёсатнинг мақсади ва стратегияси

3. Мазкур Сиёсат Банкнинг инвестиция портфелини бошқаришга ҳамда

түғридан-түғри инвестицияларни амалга оширишда құлланиладиган стратегияни ишлаб чиқишига йұналтирилген бўлиб, унинг асосий мақсади маблағлардан самарали фойдаланган ҳолда диверсификациялаш ва ликвидлик шаклида сақланишини, барқарор фаолияти ҳамда амалга оширилаётган операцияларининг даромадлигини таъминлашдан иборатdir.

4. Сиёсат Банкнинг актив амалиётларини диверсификация қилиш орқали инвестиция йўналишларини белгилаб беради.

5. Ушбу Сиёсатнинг мақсадларидан яна бири маблағларни хавфсиз инвестиция қилган ҳолда фойда олиш.

6. Мазкур Сиёсат Банкнинг қимматли қоғозлар портфелини бошқариш ва амалга ошириладиган инвестицияларининг мақсади ҳамда вазифаларига аниқлик киритиш ҳамда инвестицияларни амалга оширишга түғри келадиган молиявий инструментлар доирасини белгилаш ва шу орқали инвестиция портфелининг сифат таркибини яхшилашга кўмаклашади.

### **3-боб. Инвестиция фаолиятининг асосий тамойиллари**

7. Банк молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида ўз активларини ишончлилик, диверсификациялаш, қайтаришлилик, фойдалилик ва ликвидлилик тамойиллари асосида қимматли қоғозларга инвестиция қиласди.

8. Банк қимматли қоғозлар бозорида инвестицияларни амалга оширишда қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилиши лозим:


инвестицияларни профессионал бошқариш;  
манфаатлардаги зиддиятлар тўғрисида огоҳлантириш;  
ахборотларнинг шаффофлигини таъминлаш.

9. Инвестицияларни профессионал бошқариш Банк томонидан қуйидаги йўллар билан таъминланади:

зарурат туғилганда қимматли қоғозлар инвестиция обьекти бўлиши мумкин бўлган эмитентнинг аффилланган шахси ҳисобланмаган инвестиция маслаҳатчиларини инвестиция жараёнига ва ташкилотнинг тегишли малакага эга бўлган (инвестиция активларини ишончли бошқарувчи) мутахассисларини инвестиция активларини бошқариш жараёнига жалб қилиш;

қимматли қоғозлар бозорида инвестиция фаолиятини ташкил қилиш (инвестициялаш обьектларини таҳлил қилиш, инвестиция қилинадиган маблағларни инвестициялаш обьектлари ўртасида ўзаро тақсимланиш нисбатини аниқлаш, даромадлиликни даврий баҳолаш).

10. Манфаатларда юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олиш мақсадида Банк мансабдор шахслари инвестиция қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилувчи Кузатув кенгаши томонидан тегишли қарор қабул қилингунга қадар ўзининг инвестиция обьекти билан аффилланганлиги



тўғрисида ахборот бериши керак.

11. Банк ахборотларининг шаффоғлиги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ахборотларни ошкор этиш орқали таъминланади.

12. Банк Бошқаруви Банкнинг акциядорлари олдида ҳар йили қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тўғрисида ҳисобот беради.

13. Банк ходимлари ва бошқарув органлари аъзолари томонидан хизмат доирасида фойдаланадиган, банк сири ҳамда махфий ахборотлардан фойдаланиши қонунчиликда белгиланган тартиби амалга оширилади.

14. Банк томонидан қимматли қоғозлар билан бажарилган операциялар бўйича хужжатларнинг сақланиши қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

#### **4-боб. Инвестицияларни амалга ошириш шакллари**

15. Инвестицияларни амалга оширишнинг қўйидаги шакллари мавжуд: юридик шахсларни ташкил этиш ёки уларнинг устав фондларида улушли иштирок этиш, шу жумладан, мол-мулк ва акциялар олиш; қимматли қоғозларни, жумладан қарз мажбуриятларини сотиб олиш орқали; қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шакл ва усуллар орқали.

#### **5-боб. Банк маблағларидан инвестиция қилиниши режалаштирилган қимматли қоғозларнинг турлари, инвестиция муддатлари**

16. Мазкур Сиёсатнинг талаблари асосида қонунчиликда белгиланган барча турдаги қимматли қоғозларга Банк томонидан инвестициялар амалга оширилиши ҳамда улар билан операциялар ўтказилиши мумкин.

17. Банкнинг қимматли қоғозларга инвестициялари муддатлари қимматли қоғозларнинг муомалага чиқариш шартлари ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича тузилган шартномаларда белгиланади.

18. Банкнинг қимматли қоғозларга инвестициялари қўйидаги турларга бўлинади:


Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Иқтисодий ҳамкорлик ҳамда ривожланиш ҳамжамиятлари аъзолари бўлмиш мамлакатлар томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар;

халқаро ва хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозлари;  
хорижий капитал иштироқида ташкил топган банклар томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар;

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларининг акциялари ва облигациялари;

бошқа кўринишдаги қимматли қоғозлар.

#### **6-боб. Банкнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестицияларни амалга**



## **ошириш фаолиятига нисбатан ўрнатилган талаблар**

19. Банк томонидан қимматли қоғозлар бозорида инвестицияларни амалга оширишда куйидагиларни бажаради:

қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик ва монополияга қарши қаратилган қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

инвестиция таваккалчиликларини тўғри (адекват) баҳолашни амалга ошириш ва самарали инвестиция қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган молиявий, техник, ахборот ресурслари ҳамда малакали ходимларнинг мавжудлигини таъминлаш;

ўз маблағларининг ва бошқа молиявий кўрсаткичларининг етарлилиги ҳамда қонунчиликда ўрнатилган мажбурий меъёрларга мувофиқлигини таъминлаш;

ўз ходимлари малакасининг қонунчиликда ўрнатилган малакавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

20. Банк ўз ҳукуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда ўз акциядорлари, омонатчилари ва мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим.

21. Қимматли қоғозлар бозорида Банк ходимлари томонидан ўз фаолиятини амалга оширишида уларга нисбатан мазкур Сиёsatда кўзда тутилмаган қўшимча талабларни Банкнинг бошқа ички меъёрий хужжатларида белгиланиши мумкин.

## **7-боб. Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар устидан мониторинг юритадиган ахборот тизимиға қўйиладиган талаблар**

22. Банк қимматли қоғозлар бозори конюнктурасидан келиб чиқиб қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширади ҳамда доимий равиша қимматли қоғозлар бозоридаги ўзгаришлар ва қимматли қоғозлар котировкалари, Банкнинг инвестиция портфелидаги қимматли қоғозлар ҳамда уларнинг эмитентлари фаолиятидаги муҳим далилий маълумотлар устидан мониторинг олиб боради. Жумладан:

инвестиция киритилган жамиятларда ҳар йили мажбурий ташқи аудит текширувидан ўтказилишини назоратга олиш ҳамда молиявий йил тугаганидан сўнг аудиторлик хulosасини олиш;

инвестиция киритилган жамиятларнинг молиявий ҳолатини таҳлил натижалари бўйича ҳисбот ва таклифларни олиш.

23. Банк қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар устидан турли расмий манбалар, расмий ахборот тизимлари орқали мониторинг юритади. Жумладан, Капитал бозорини ривожлантиришга масъул ташкилотнинг расмий веб сахифаси.

## **8-боб. Ички назоратни амалга ошириш бўйича талаблар**

24. Банкнинг турли таркибий тузилмалари ўртасида мажбуриятларнинг мутаносиб тақсимланиши, шунингдек суистеъмолчиликнинг олдини олиш учун Банк томонидан ички назорат амалга оширилади. Мазкур ички назорат қуидагиларни ўз ичига олади:

қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишни расмийлаштириш бўйича ҳужжатларни қабул қилувчи, қайта ишловчи ходимлар бухгалтерия операцияларини амалга оширмаслиги, пул маблағларини қабул қилмаслиги, бухгалтерия ўтказмаларини таққослаш ёхуд тасдиқлаш имкониятига эга бўлмаслиги;

бухгалтерия операцияларини тайёрлаш ва амалга оширишга масъул бўлган шахслар қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишни расмийлаштириш бўйича ҳужжатларни қабул қилмасликлари ёхуд тасдиқлаш мақсадида битим натижаларини таққослаш имкониятига эга бўлмаслиги;

барча операцияларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланиши ҳамда бухгалтерия ёзувлари ва бирламчи ҳужжатлар билан таққосланиши;

Банк инвестиция фаолиятини жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

## **9-боб. Банкнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестицияларни амалга ошириш фаолиятига нисбатан ўрнатилган чекловлар**

25. Банк томонидан эмитентлар ва уларнинг фаолият соҳалари бўйича акцияларни жамлашни чегаралаш ҳамда инвестициялар диверсификациясини амалга ошириш умумий қабул қилинган оқилона банк фаолияти амалиётларига мувофиқ амалга оширилади.

26. Банкнинг қимматли қоғозларга қўйилмаларини хавфсизлиги ва уларнинг сифатини ҳамда қимматли қоғозлар эмитенти бўлган корхоналарнинг молиявий аҳволини ва бошқариш тажрибасини баҳолаш эмитент аҳволини баҳолашнинг мазкур Сиёсатда белгиланган мезонлари ҳамда фаолиятини тавсифловчи таҳлилларга асосан амалга оширилади.

## **10-боб. Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширадиган шахслар учун битимлар бўйича қарорлар қабул қилиш ва чекловлар ўрнатиш ваколатлари**

27. Банк Кузатув кенгаси томонидан қуидагилар бўйича қарор қабул қилинади:

шуъба ва тобе корхоналарни ташкил этиш;

бошқа хўжалик жамиятларидаги иштироки билан боғлик битимларни тузиш;

амалдаги қонунчиликда белгиланган ваколат доирасида корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш (давлат қимматли қоғозлари ҳамда банкларнинг қарз қимматли қоғозлари бундан мустасно);

қимматли қоғозлар ҳамда улушларнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

акциялар ва бошқа хўжалик жамиятларидағи улушни сотиши.

28. Банк қимматли қоғозлар билан тижорат операцияларини Инвестиция қўмитасининг ижобий қарорига асосан мавжуд бўш ресурслар доирасида амалга оширади.

29. Банкнинг барча турдаги қимматли қоғозларга бўлган инвестициялари ва операциялари ҳамда ташқи бозордаги дилинг операциялари билан боғлиқ масалалар Банкнинг Инвестиция қўмитасида кўриб чиқиласди, давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно.

30. Банкнинг давлат қимматли қоғозлари билан битимлари Банкнинг Ликвидлиликни бошқариш қўмитаси қарорига асосан амалга оширилади. Агарда эмитент тижорат банки бўлса унинг молиявий ахволи таҳлили асосида амалга оширилади.

31. Акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини сотиб олиш хақидаги таклифлардан келиб чиқсан ҳолда Банк:

а) акциядорлик жамиятидан қўйидаги бирламчи хужжатларни талаб киласди:

акциядорлик жамиятининг Устави;

молиявий ҳисботлар;

аудит хуносаси;

акциялар эмиссиясининг рисоласи (агар акциялар сотиб олинса), депозит сертификатларни муомалага чиқариш, уларнинг муомала ва сўндирилиш шартлари (агар депозит сертификатлари сотиб олинса).

б) эмитентнинг таклиф киритилган санага ва ундан аввалги йилдаги молиявий ахволи таҳлилини амалга оширади ҳамда таҳлил асосида қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки олмаслик тўғрисида таклиф тайёрлайди.

32. Қимматли қоғозлар билан йирик битимларни амалга оширилганлиги тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида қонунчиликда белгиланган тартибда чоп этиб борилади.

## 11-боб. Тижорат операциялари

33. Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган тижорат операцияларига қўйидагилар киради:

қимматли қоғозларни белгиланган қийматидан паст баҳода, белгиланган қиймати бўйича ёки ундан юқори баҳода сотиб олиш ҳамда уларни муайян вақт ўтганидан сўнг бошлангич харид нархидан юқорироқ баҳода сотиши;

“Репо” операциялари;

андеррайтинг.

34. “Репо” операциялари Банк томонидан Ўзбекистон Республикасидаги қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва юридик шахс бўлган резидентлар билан амалга оширилади. “Репо” операциялари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади.

35. Шартнома тузатган томонларнинг ўз қимматли қоғозлари “Репо” операцияларининг обьекти бўла олмайди.

36. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ эмитентнинг қимматли қоғозлари бўйича андеррайтинг хизматлари (тўлиқ эмиссия ҳажмини жойлаштирилиши ҳамда эмиссиянинг жойлаштирилмаган қисмини Банк балансига сотиб олиш кафолати) ёки тўлиқсиз андеррайтинг (облигациялар эмиссияси жойлаштирилаётганда кафолатли жойлаштиришсиз брокерлик хизматларини кўрсатиш) шартлари билан тақдим этилиши мумкин. Хизматлар кўрсатилишининг шартлари андеррайтинг хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномада қайд этилади.

### **12-боб. Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчисиба инвестиция консультантни фаолияти**

37. Банкнинг инвестиция активлари янада самарали бошқарилишини таъминлаш учун Банк ўз инвестиция активларини шу мақсадларда ташкил этилган ўзининг корхоналари йўналишига қараб бошқарувига топшириш, устав фондини шакллантириш учун киритиш ҳамда тўғридан-тўғри ёки лизинг асосида сотишни белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин.


### **13-боб. Қимматли қоғозлар дилинги**

38. Банк хорижий банкларда очилган вакиллик ҳисобварақлари тизими орқали ўз ҳисобидан ва инвесторларнинг маблағлари ҳисобига қимматли қоғозлар ҳамда уларнинг ҳосилалари билан ташқи бозорда дилинг операцияларининг қуйидаги турларини шартномавий асосда амалга ошириши мумкин:

давлат ва давлат корхоналари қимматли қоғозларининг олди-сотдиси;  
халқаро қимматли қоғозлар олди-сотдиси;  
корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдиси;  
ҳосилавий қимматли қоғозлар ва суррогатлар олди-сотдиси;  
пул маблағларини хорижий юридик шахсларга траст бошқарувига бериш;

хорижий қимматли қоғозларнинг қонунчиликка зид бўлмаган бошқа олди-сотдиси.

39. Дилинг операциялари Банкнинг топшириқ-шартномаси ёки бошқа турдаги топшириқлари ҳамда келишувлари асосида амалга оширилади.



## **14-боб. Инвестициялар диверсификациясини амалга ошириш усуллари ҳамда эмитентнинг аҳволини баҳолаш мезонлари**

40. Банк инвестицияларнинг диверсификациясини эмитент ва уларнинг фаолият тармоқлари бўйича акциялар тўпланувини чегаралаш, қимматли қоғозларга қилинган қўйилмаларнинг хавфсизлигини ҳамда уларнинг сифатини баҳолаш, қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий ҳолатини ва бошқариш тажрибасини баҳолаш усуллари орқали амалга оширади.

41. Эмитент ва уларнинг фаолият тармоқлари бўйича акциялар тўпланувининг умумий ҳажми инвестиция портфели умумий ҳажмининг 20 фоизидан ошмаслиги тавсия этилади.

42. Банкнинг қимматли қоғозларга қилинган қўйилмаларининг хавфсизлигини ва уларнинг сифатини баҳолашни таъминлаш мақсадида Банкнинг сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларига инвестициялари ҳажмида муддати ўтган инвестицияларнинг салмоғи 5 фоиздан ошиб кетса, унда муддати ўтиб кетган инвестициялар ҳажми камайгунга қадар Банқда қимматли қоғозларга инвестициялар амалга оширилиши вақтинча тўхтатилиши мумкин.

## **15-боб. Қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий ҳолатини ва бошқариш тажрибасини баҳолаш**

43. Қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий ҳолатини ва бошқариш тажрибасини баҳолаш корхоналар бошқарувини амалга ошириш, эмитентнинг аҳволини баҳолаш мезонлари ҳамда унинг фаолиятини тавсифловчи хисоб-китоб коэффициентларини аниқлаш орқали амалга оширилади.

44. Банкнинг улуши бўлган корхоналар акциядорлари (иштирокчилари)нинг умумий ҳамда Банк Кузатув кенгашлари йиғилишларида Банк тарафидан тайёрланган ишончли вакил иштирок этади.

45. Банк улуши бўлган корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолияти натижалари ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотларни олиш ҳамда шу тариқа корхонанинг молиявий аҳволини аниқлаш мақсадида молиявий таҳлил ўтказилади.

46. Банк улуши бўлган корхоналарнинг асосий фаолияти юзасидан мониторингни амалга оширади.

47. Банк томонидан ўтказиладиган молиявий таҳлил корхонанинг кўрсаткичларини ва ишлаб чиқариш хусусиятларини яхшироқ тушуниш, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи молиявий муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этишни кўзда тутади.

## **16-боб. Эмитентнинг ҳолатини баҳолаш мезонлари ва фаолиятини тавсифловчи хисоб-китоб коэффициентлари**

Ro'yxatdan o'tkazildi	
Ro'yxat raqami:	2-49
Sana:	"3/" uly 2022 yil
Imzo:	

SMART BANK

48. Эмитентнинг молиявий аҳволи ва бошқарув менежменти таҳлилини амалга оширишда унинг бухгалтерия баланси, харажатлар ҳамда даромадлар ҳисботи, устав, таъсис ҳужжатлари, қимматли қоғозлар эмиссиясининг рисолалари, бизнес-режа ва аудиторлик хulosаси асос қилиб олинади. Ушбу мақсадда эмитентнинг охирги 3-5 йил давомидаги молиявий ва иқтисодий аҳволининг таҳлили амалга оширилади. Мазкур таҳлил қуйидаги кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби ва баҳоланишига асосланади:

олинган фойда;

тўланган дивиденdlар;

қимматли қоғознинг бозор нархи;

эмитентни бозорда тутган ўрни;

активлар ва пассивлар;

ўз капиталига тўғри келадиган фойда меъёри;

49. Инвестициялар қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

ўз капитали (маблағлари);

карз капитали (маблағлари).

50. Акциядорлик жамияти хўжалик-молиявий фаолиятининг таҳлили қуйидаги коэффициентлар баҳоланиши ва ҳисоб-китобини ўз ичига олади (банклар бундан мустасно):

фойда ва активлар нисбати (ROA);

фойда ва акциядорлик капитали нисбати (ROE);

бир акцияга тўғри келадиган соф фойда (EPS);

акциянинг қадр қиймати (P/E);

молиявий мустақиллик коэффициенти (ММК);

мутлақ ликвидлилик коэффициенти (МЛК);

коплаш коэффициенти (КПО);

ўз капиталининг ҳаракатланиш коэффициенти (КМН);

ўз ва жалб қилинган маблағлар нисбати коэффициенти (КЎЗ);

кредиторлик қарзларининг кунлик айланувчанлиги (АҚҚ);

дебиторлик қарзларининг кунлик айланувчанлиги (АДҚ).

51. Банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар эмитентлари фаолияти устидан мониторинг ўрнатилади.

Банк томонидан ҳар чоракда ушбу корхоналар бўйича бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботлар асосида молиявий таҳлил амалга оширилади ва юқорида кўрсатилган коэффициентлар ҳисобланади ва хulosаси қилинади.

## **17-боб. Қимматли қоғозларга инвестицияларнинг таснифи ва хавф-хатарларни баҳолаш**

52. Қимматли қоғозларга инвестицияларни амалга оширишда Банк эҳтимолли йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда захиралар ташкил этади.

Қимматли қоғозларга инвестицияларни амалга оширишда хавф-хатар турларини аниқлаш ва уларни баҳолаш ишлари ҳар чоракда камида бир маротаба амалга оширилади ҳамда эмитентнинг молиявий аҳволи ва Банкнинг шу инвестициядан олаётган фойдасини, шунингдек Банк контрагенти билан шартнома шартлари бажарилишини инобатга олган ҳолда бир хавф-хатар туридан иккинчи турига ўтказишни кўзда тутади.

53. Инвестиция қўйилмаларининг таснифи бўйича “умидсиз” деб топилган инвестицияларни балансдан ташқари ҳисобига чиқарилиши Банкнинг тегишли таркибий тузилмалари (Фазначилик ва Юридик бошқармалари) хуросаларига асосан Банкнинг Инвестиция қўмитаси ва Банк Бошқарувининг қарорига асосан ҳамда Банкнинг Кузатув кенгашини хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

54. Эмитентнинг молиявий аҳволи ўрганиб чиқилганидан сўнг захиралар ташкил қилишни дастлабки ҳисоб-китоби тузилади.

Дастлабки ҳисоб-китоб асосида захира яратилиши Банкнинг Инвестиция қўмитаси томонидан маъқулланганидан сўнг тегишли бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

### 18-боб. Ҳисоб ва назорат

55. Банк томонидан қимматли қоғозлар портфели ҳар чоракда тўлиқ таҳлил қилинади ва ҳисбот тайёрланади. Ҳисбот қуидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

- қимматли қоғозлар портфелининг умумий таҳлили;
- қимматли қоғозларнинг турлари бўйича маълумотлар;
- қимматли қоғозларнинг даромадлилиги бўйича маълумотлар;
- қимматли қоғозлар эмитентлари ва банкнинг улуши мавжуд бўлган жамиятлар тўғрисида маълумотлар;
- хуроса ва таклифлар.

56. Ҳисбот Банкнинг Инвестиция қўмитаси йиғилишида кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

### 19-боб. Якуний қоидалар

57. Банкнинг тегишли раҳбар ва ходимлари томонидан мазкур Сиёсатнинг асосий йўналишларига тўлиқ риоя қилинмаган тақдирда уларга нисбатан амалдаги тартиб-қоидаларга асосан интизомий чоралар ўрнатилган тартибда қўлланилади.

58. Мазкур Сиёсатга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланади.

59. Мазкур Сиёсат билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

04-15/01-06

19.01.2024 ийл

## ЮРИДИК ХУЛОСА

\*\*\*\*\*

(норматив-хуқуқий хужжатни хуқуқий  
экспертизадан ўтказиш түғрисида)

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий хужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг Инвестиция Сиёсати.
Экспертиза ўтказишида фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий хужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги Қонунлари, банкнинг Устави ва ички меъёрий хужжатлар.

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги  
қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб,  
банк тизимида банкнинг инвестицион фаолиятининг  
мақсадлари ва асосий йўналишларини белгилайди ҳамда  
маблагларни бошқа корхоналар устав капиталига,  
қимматли қоғозларига ва кўчмас мулкига инвестиция  
инвестиция қилиш йўналишлар ва умумий қоидаларини  
белгилашга қаратилган.

Ушбу Сиёсатни ишлаб чиқишида қонунчилик техникаси  
қоидаларига риоя қилинган.

Юридик департаменти  
бошлиғи

М.Ғуломжонова